

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

JOFS

7-СОН

ИЮЛЬ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-7

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 7 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-7>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Юридик фанлар

МАВЛЯНОВ Мурод Абдурахимович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

бош мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8205588>

ИНТЕРНЕТ ЖАҲОН АХБОРОТ ТАРМОҒИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ЙЎНАЛИШИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада терроризм ва экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар таҳлили, уларни содир этилиш сабаблари ва олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чоралар, Интернет тармоқларида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича илғор тажрибага эга бўлган хорижий давлатларнинг амалиёти ёритилган.

Калит сўзлар: интернетда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича хорижий тажриба, Интернетда терроризм ва экстремизмни олдини олиш бўйича хорижий тажриба, Интернетда терроризм, Интернетда экстремизм.

МАВЛЯНОВ Мурод Абдурахимович

главный специалист Министерства внутренних дел

Республики Узбекистан

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ В СЕТИ ИНТЕРНЕТ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается анализ правонарушений, связанных с терроризмом и экстремизмом, причин их совершения, а также опыт практика зарубежных стран по противодействию терроризму и экстремизму в Интернет пространстве.

Ключевые слова: зарубежный опыт борьбы с экстремизмом и терроризмом в сети Интернет, зарубежный опыт предупреждения терроризма и экстремизма в сети Интернет, терроризм в сети Интернет, экстремизм в сети Интернет.

MAVLYANOV Murod Abduraximovich
*Chief specialist of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan*

THE INTERNATIONAL EXPERIENCE IN COMBATING EXTREMISM AND TERRORISM ON THE INTERNET

ANNOTATION

This article describes the analysis of offenses related to extremism and terrorism, the reasons for their commission, as well as the experience of the practice of foreign countries in countering terrorism and extremism on the Internet.

Key words: foreign experience in combating extremism and terrorism on the Internet, foreign experience in preventing terrorism and extremism on the Internet, terrorism on the Internet, extremism on the Internet.

Ҳаммамизга маълумки, бугунги бутун жаҳон ҳамжамияти дунё суверен давлатларнинг ижтимоий ва маънавий, иқтисодий ва сиёсий, ташқи ва ички, экологик ҳамда ахборот хавфсизликларига жиддий таҳдид солувчи терроризм ва экстремизм каби ҳуружлар билан тўқнаш келмоқда.

Масаланинг жиддий томони шундаки, халқаро экстремистик ва террористик ташкилотлар вақт, чегара ва макон танламас Интернет ижтимоий тармоқларидан кенг фойдаланган ҳолда диний ақидалар, жумладан дунё халқлари учун муқаддас ҳисобланган “Ислоҳ” дини никоби остида аҳоли, айниқса ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оилавий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда радикал қарашларни тарқатиб келмоқдалар.

Натижада, мазкур тенденциялар терроризм ва экстремизм билан боғлиқ қайд этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг салмоқли қисми Интернет ижтимоий тармоқлари ёрдамида содир этилаётганлигини ҳамда мазкур тоифдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилаётганларнинг аксарияти ёшлар ҳиссасига тўғри келишига олиб келмоқда.

Таҳлилларга кўра, ўтган 2022 йилда Ўзбекистонда терроризм ва экстремизм билан боғлиқ қайд этилган ҳуқуқбузарликларнинг қарийб **80 фоизи** фуқароларнинг **Интернет** ижтимоий тармоқларида деструктив ғоялар таъсирига тушиб қолишлари натижасида содир этилган бўлса, мазкур йўналишда 2022 йилда аниқланган жиноятлар доирасида жавобгарлик масаласи кўриб чиқилган шахсларнинг **61 фоизи** ёшлар (**18-30 ёш**) ҳисобига тўғри келган [1].

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг (12.03.2019 й., 28.10.2020 й., 2.12.2020 й., 29.04.2020 й., 16.02.2022 й., 09.03.2022 й., 25.03.2022 й., 24.12.2022 й.) ҳал қилув қарорларига кўра, Интернет тармоғининг "**najot.info**" ва "**hizb-uzbekiston.info**" веб-сайтлари ҳамда "**Facebook**", "**Youtube**" ва "**Telegram**" ижтимоий тармоқларида **160 дан ортиқ (168 та)** профил, канал ва саҳифалар **экстремистик ва террористик** деб топилган [2].

Уларнинг тўлиқ рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Адлия вазирлигининг расмий сайтида жойлаштирилиб борилади (www.minjust.uz).

Ўзбекистон ҳудудида экстремистик ва террористик деб топилган материаллар рўйхатини фуқароларга етказиш, аҳоли, айниқса ёшларнинг мазкур йўналишдаги билим савиясини ошириш мақсадида, Ички ишлар органларининг тегишли бўлинмалари томонидан юқорида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида, ўзини-ўзи бошқариш органларида, корхона ва ташкилотлар ҳамда ОАВларда биргина 2022 йилда мобайнида **10.000 дан** ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди [3].

Айниқса, экстремистик ғояларнинг ёшлар орасида тарқалишини олдини олиш мақсадида, ўрта ва олий таълим муассасаларида диний идоралар вакиллари билан ҳамкорликда манзилли тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Жумладан, биргина 2022 йилда республика бўйича таълим муассасаларида **3.200** дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, уларда **100.000** га яқин ўқувчи ва талабалар иштироки таъминланди.

Мазкур тоифадаги тадбирлар учун **150** га яқин видео материаллар, **500** дан ортиқ тарқатма материаллар тайёрланиб, кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга етказилди.

Мисол учун, экстремистик ғоялар тарқалишини олдини олишга қаратилган, “**Диний экстремизм – келажакка таҳдид**”, “**Экстремизм ва терроризм – тараққиёт қушандаси**”, “**Огоҳ бўлинг**”, “**Мутаассиб шахснинг психологик хусусиятлари**”, “**Дин ниқоби остидаги ахборот хуружлари**” каби мавзуларда тарқатма материаллар тайёрланиб, жойларда тарқатилди.

Албатта, мазкур йўналишда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тарғибот-тадбирлари ўз йўлига. Бироқ, юқорида қайд этилган таҳликаларга муносиб жавоб беришда жамиятимиз ҳам ўз ташаббусини билдириши, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирларга бефарқлик билан муносабатда бўлмаслиги лозим бўлади.

Жумладан, таҳлилларга назар солсак, мазкур йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилган шахслар, айниқса ёшларнинг аксарияти Интернет ижтимоий тармоқларида тарқалган экстремистик ёки террористик материаллардан фойдаланиб, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишган.

Юқорида қайд этилган тарғибот ва ташвиқот тадбирларига қарамасдан, аҳолининг аксарият қисми Ўзбекистон ҳудудида экстремистик ва террористик деб топилган материаллар рўйхати билан танишмайди.

Натижада, аксарият ҳолларда фуқаролар Интернет ижтимоий тармоқларида тарқалаётган экстремистик мазмундаги материалларни Ўзбекистон ҳудудида тақиқланганлигини билмаган ҳолда уларни сақлаш ёки тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатларни содир этмоқдалар.

Қайд этилган тенденциялар Интернет жаҳон ахборот тармоғида терроризм ва экстремизмга қарши курашни такомиллаштиришни, унинг норматив-ҳуқуқий базасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни талаб этмоқда.

Шу мақсадда, мазкур йўналишда илғор тажрибага эга бўлган хорижий давлатларнинг амалиёти ўрганилди.

Ўрганишлар натижасига кўра, 2010 йилда Буюк Британияда Интернет тармоғида экстремистик ва террористик мазмундаги маълумотларга қарши курашишда янги тизим жорий этилгани маълум бўлди.

Жумладан, Британиянинг Интернетдаги миллий аксилтеррор хизмати (*The Counter-Terrorism Internet Referral Unit - CTIRU*) Интернет тармоғида экстремистик ва террористик мазмундаги маълумотларни ўз ичига олган материаллар ҳақида хабар бериш юзасидан жамоатчиликка мурожаат эълон қилган.

Мазкур янги тизимга асосан Интернетдаги веб-ресурсларга «STOP» деб номланган қизил рангли тугма жойлаштирилган. Интернетда экстремистик ва террористик мазмундаги материалларни кўрган фойдаланувчилар ушбу тугмани босганида, провайдер материални дарҳол махсус сайтга йўналтиради, у ерда ундан анонимлик шарти билан шубҳали материал топилган веб-саҳифа манзилни киритиш сўралади.

Олинган маълумот “CTIRU” махсус бўлинмалари томонидан таҳлил қилиниб, текширувдан ўтади. Текширув натижасига кўра, экстремистик деб топилган материаллар 36 соатлик муддатда веб-ресурсдан олиб ташланади.

“CTIRU” Интернет провайдерлари билан доимий ҳамкорликда фаолият олиб бориши натижасида, мазкур йўналишда юқори натижаларга эришилгани қайд этилган [4].

Хусусан, 2010-2017 йиллардаги фаолият натижасида глобал тармоқдан экстремистик ва террористик характердаги **160** мингдан ортиқ материаллар олиб ташланган. Статистик маълумотларга кўра, аҳолининг мазкур лойихадаги фаол иштироки йил сайин ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, Буюк Британияда ҳам бу йўналишда ахборот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мисол учун, *Surrey* округи полициясининг экстремизмга қарши кураш стратегияси ҳақида умумий маълумот берувчи веб-сайт ташкил этилган. Мазкур сайтда терроризм ва экстремизм таҳдидларини бартараф этишда кенг жамоатчилик томонидан полицияга кўрсатилаётган амалий ёрдам ҳақида аниқ маълумотлар мунтазам намоиш этиб борилади.

Германияда аксарият қонунчилик нормалари кенг жамоатчилик, хусусан фаолияти компьютер технологиялари билан боғлиқ компанияларнинг жиддий қаршиликларига дуч келишига қарамай, ҳукумат интернет маконида экстремистик ва террористик ғоялар тарғиботиغا қарши курашиш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда.

Хусусан, 2007 йилда Германияда қабул қилинган қонунга кўра, Интернет веб-ресурсларида шахсга оид сохта маълумотлар асосида “электрон почта”ни рўйхатдан ўтказиш жиноят ҳисобланади.

Шунингдек, 2007 йил январь ойида Германия ҳуқуқ-тартибот идораларида махсус гуруҳ ташкил этилган. Мазкур гуруҳ Интернетда радикал исломий тарғибот ҳолатларини аниқлаш, фуқаролар онгига хавф туғдирадиган Интернет-ресурслар фаолиятини таҳлил қилиш билан шуғулланиб келади.

2017 йил октябрь ойида мамлакатда қабул қилинган қонунга кўра, **«Facebook», «Twitter» ва «YouTube»**, каби катта аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлар миллатларо диний, ирқий мутаносибликни тарғиб қилувчи, нафрат уйғотувчи, экстремистик ва террористик мазмундаги, материалларни мунтазам равишда ўз вақтида ўчирилмаганлиги учун 50 миллион еврогача жаримага тортилиши белгиланган [5].

2020-йил 22-октябрда Германия ҳукумати томонидан терроризмга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган қонунга кўра, мазкур давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига WhatsApp, Facebook ва Messenger каби кенг аудиторияга эга Интернет ижтимоий тармоқлари фойдаланувчиларининг ёзишмаларини кузати бориш имконини яратди [6].

Шунингдек, 2022 йилда Европа парламенти ҳамда Европа иттифоқи Кенгаши томонидан маълумланиб, 2022 йил 14 сентябрида кучга киритилган “Рақамли хизматлар тўғрисидаги қонун” ва “Рақамли бозорлар тўғрисидаги қонун”лар талабларига мувофиқ, Европа иттифоқи юқоридаги қонун талабларига риоя этмаган ИТ соҳасидаги технология компанияларининг хизматларини Европа бозорига киритмаслик ҳақида қарор қабул қилиши белгиланди.

Мисол учун, Европа Иттифоқи вазирлар кенгаши WhatsApp, Signal ва бошқа шу каби Интернет операторларини фойдаланувчиларнинг ёзишмаларини кузатиб бориш учун махсус мастер-калитларни яратиш ва уларни тўлиқлигича шифрлаш мажбуриятини юклади. Ушбу резолюцияга Венадаги теракт сабаб бўлганлиги маълум қилинган [7].

Исроил, Италия, Испания, Швеция, Туркия, Саудия Арабистони ва шу каби террор хавфи билан юзма-юз келган илғор тажрибага эга давлатларда экстремистик ва террористик ғояларга қарши курашиш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Мазкур давлатларда тўпланган тажрибага кўра, глобал тармоқда хизматлар кўрсатувчи компаниялар иштирокида экстремистик ва террорчилик йўналишидаги материалларни Интернетдан зудлик билан олиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлган **кузатув кенгашларини**, шунингдек, мазкур тоифадаги материаллар бўйича **«ишонч телефонлари»**ни яратиш юқори самара бериши кузатилган [8].

Шунингдек, экстремистик ва террористик мазмундаги контентларни, экстремизм билан боғлиқ маълумотларни тарқатаётган akkaунтларни **тезкорлик билан аниқлаш ва ўчириш** имконини берадиган “автоматлаштирилган дастурлар” тобора ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги глобаллашув шароитида Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида юзага келаётган таҳлика ва чақирувларга муносиб жавоб қайтариш, бунда илғор тажрибага эга бўлган хорижий давлатларнинг амалиётини таҳлил қилиш ҳамда миллий қонунчилик тизимига имплементация қилиш йўли билан янги методикаларни жорий этиш лозим бўлади.

Мисол учун, Германия тажрибасига мувофиқ, Интернет веб-ресурсларида шахсга оид сохта маълумотлар асосида Интернет тармоғида “Аккаунт” очиш, “электрон почта”ни рўйхатдан ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгилаш..

Шунингдек, Илғор тажрибага эга ҳорижий давлатлар (Исроил, Италия, Испания, Швеция, Туркия, Саудия Арабистони) амалиётига мувофиқ, глобал тармоқда хизматлар кўрсатувчи компаниялар иштирокида экстремистик ва террорчилик йўналишидаги материалларни Интернетдан зудлик билан олиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлган кузатув кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш;

Мазкур чора-тадбирлар келажакда Интернет ижтимоий тармоқлари орқали тақиқланган, шу жумладан экстремизм ва терроризмни тарғиб қилувчи контентларни тарқалишини олдини олишга хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар. Мавлянов Мурод Абдурахимович, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош мутахассиси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Тергов департаменти ҳуқуқий, илмий-амалий журнали, 2022 йил 4-сон.

<https://tergov.uz/uploads/wanted/536c38a24c20a2981c1986cf4e8371d1.pdf>

2. Ўзбекистон Республикаси [Адлия вазирлигининг](http://www.minjust.uz) расмий сайти. Тақиқланган материаллар рўйхати (www.minjust.uz)

3. Ёшларни бузғунчи ёт ғоялардан химоялаш: муаммо ва ечимлар. Мавлянов Мурод Абдурахимович, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош мутахассиси. Тараққиёт тадқиқотлари. даврий анжуманлар тўплами: муаммо, таклиф ва ислохотлар. 2023 йил 5-сон.

<https://imfaktor.uz/wp-content/uploads/2023/05/ТТ-5-son-I-qism.pdf>

4. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қиролигининг Интернетдаги миллий аксилтеррор хизмати (*The Counter-Terrorism Internet Referral Unit - CTIRU*) расмий веб сайти маълумотлари. https://en.wikipedia.org/wiki/Counter-Terrorism_Internet_Referral_Unit

5. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ В ИНТЕРНЕТ-ПРОСТРАНСТВЕ. Бураева Людмила Александровна канд. физ.-мат. наук. Должность: доцент. Место работы: Краснодарский университет МВД России. Филиал: СевероКавказский институт повышения квалификации. Подразделение: кафедра деятельности ОВД в особых условиях.

[https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-protivodeystviya-ekstremizmu-v-internet-prostranstve/viewer](https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-protivodeystviya-ekstremizmu-i-terrorizmu-v-internet-prostranstve/viewer)

6. Статья: В Германии спецслужбам разрешили получать доступ к зашифрованной переписке в мессенджерах. Журнал TADVISER. <https://www.tadviser.ru/index.php>

7. Статья: Регулирование интернета в странах Евросоюза. Журнал TADVISER. выпуск: 2022/05/10.

https://www.tadviser.ru/index.php/Статья:регулирование_интернета_в_странах_Евросоюза

8. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ В ИНТЕРНЕТ-ПРОСТРАНСТВЕ. Бураева Людмила Александровна канд. физ.-мат. наук. Должность: доцент. Место работы: Краснодарский университет МВД России. Филиал: Северо-Кавказский институт повышения квалификации. Подразделение: кафедра деятельности ОВД в особых условиях. <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-protivodeystviya-ekstremizmu-i-terrorizmu-v-internet-prostranstve/viewer>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-7

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz